



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

12 (86) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

12 (86)

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

2025
декабрь

УДК 616.314-089.23:159.9:316.6

ОРТОПЕДИК СТОМАТОЛОГИК РЕАБИЛИТАЦИЯДА БЕМОРЛАРНИНГ РУҲИЙ ҲОЛАТИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИНГ ЎЗГАРИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Азимова Шахноза Шухратовна e-mail: azimova.shaxnoza@bsmi.uz

Алиев Навруз Хасанович e-mail: navruz_aliyev@bsmi.uz

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ортопедик стоматологик реабилитация нафақат тиш-қатор ва чайнаш функциясини тиклаш, балки беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот ортопедик стоматологияда даволаш жараёнида беморларда кузатиладиган психоэмоционал ўзгаришлар ва ҳаёт сифати динамикасини комплекс баҳолашга бағишланган. Тадқиқот давомида турли даражада тиш-қатор нуқсонларига эга беморларнинг руҳий ҳолати, хавотирлик ва эмоционал барқарорлик кўрсаткичлари, шунингдек, ҳаёт сифатига таъсир этувчи функционал, эстетик ва ижтимоий омиллар таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари ортопедик стоматологик даволашни режаслаштиришда психоэмоционал омилларни инобатга олиш зарурлигини асослаб беради.

Калит сўзлар: ортопедик реабилитация, психоэмоционал бузилиш, ҳаёт сифати, тиш протезлари

ЗАКОНОМЕРНОСТИ ИЗМЕНЕНИЙ ПСИХОЭМОЦИОНАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ И КАЧЕСТВА ЖИЗНИ ПАЦИЕНТОВ ПРИ ОРТОПЕДИЧЕСКОЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ

Азимова Шахноза Шухратовна e-mail: azimova.shaxnoza@bsmi.uz

Алиев Навруз Хасанович e-mail: navruz_aliyev@bsmi.uz

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ортопедическая стоматологическая реабилитация имеет важное значение не только для восстановления зубных рядов и жевательной функции, но и для улучшения психоэмоционального состояния пациентов и качества их жизни. Данное исследование посвящено комплексной оценке психоэмоциональных изменений и динамики качества жизни пациентов в процессе ортопедического стоматологического лечения. В ходе исследования был проведён анализ психоэмоционального состояния, уровня тревожности и эмоциональной устойчивости пациентов с различной степенью дефектов зубных рядов, а также функциональных, эстетических и социальных факторов, влияющих на качество жизни. Результаты исследования обосновывают необходимость учёта психоэмоциональных факторов при планировании ортопедического стоматологического лечения.

Ключевые слова: ортопедическая реабилитация, психоэмоциональные расстройства, качество жизни, зубные протезы

PATTERNS OF CHANGES IN THE PSYCHOEMOTIONAL STATE AND QUALITY OF LIFE OF PATIENTS DURING ORTHOPEDIC DENTAL REHABILITATION

Azimova Shakhnoza Shukhratovna e-mail: azimova.shaxnoza@bsmi.uz

Aliyev Navruz Xasanovich e-mail: navruz_aliyev@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1

Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

Orthopedic dental rehabilitation plays an important role not only in restoring dentition and masticatory function but also in improving the psychoemotional state of patients and their quality of life. This study is devoted to a comprehensive assessment of psychoemotional changes and the dynamics of quality of life in patients undergoing orthopedic dental treatment. The study analyzed the psychoemotional state, levels of anxiety, and emotional stability of patients with varying degrees of dentition defects, as well as functional, aesthetic, and social factors influencing quality of life. The findings substantiate the necessity of considering psychoemotional factors when planning orthopedic dental treatment.

Key words: orthopedic rehabilitation, psychoemotional disorders, quality of life, dentures

Долзарблғи

Хар қандай протез фақатгина терапевтик ёки профилактик восита бўлиб қолмай, шу билан бирга оғиз бўшлиғида муайян даражада ноадекват қўзғатувчи сифатида ҳам таъсир кўрсатади. Протез ўрнатилган соҳадаги тўқималар ва органлар бу таъсирга мос равишда турлича реакция билан жавоб қайтаради. Протез майдонида кузатиладиган реакцияларнинг шаклланиши, шубҳасиз, протез материалининг хусусиятлари, унинг фиксация усули, чайнаш босимининг тақсимланиши, окклюзия ҳолати, протез асосининг майдони ва шу каби омиллар билан боғлиқ бўлиб, турли патогенетик механизмлар асосида ривожланади. Ушбу омилларни чуқур ўрганмасдан туриб, протезларнинг терапевтик самарасини тўлиқ баҳолаш ёки улар сабаб бўлиши мумкин бўлган ножўя таъсирларни олдини олишни режалаштириш қийинлашади. Стоматологик беморларни самарали реабилитация қилиш учун анатомик ва функционал кўрсатмалар тўғрисида ишончли диагностика маълумотларига эга бўлиш керак, улар артикуляторлар ва функционал диагностика тизимларидан фойдаланиш шарти билан сунъий тишларни лойиҳалашда такрорланади ва амалга оширилади.

Замонавий технологиялар ва материаллар асосида тайёрланган протезлар барча меъёрларга мувофиқ ишлаб чиқарилган бўлса ҳам, беморнинг психо-эмоционал хусусиятларига боғлиқ ҳолда норозилик ҳиссини келтириб чиқариши мумкин. Адабиёт манбаларидан маълумки, инсоннинг ортопедик стоматологик конструкцияларга мослашуви бир қатор шахсий ва психофизиологик омиллар, шунингдек, оғиз бўшлиғининг рецептор зоналаридаги афферент импульслар ўзгариши туфайли юзага келадиган стресс таъсирларга организмнинг жавоб қайтариш хусусиятлари билан белгиланади. Стоматологик беморларни самарали реабилитация қилиш учун сунъий тишларни лойиҳалашда такрорлана оладиган анатомик ва функционал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, артикуляторлар ва функционал диагностика тизимларидан фойдаланиш асосида ишончли маълумотларга эга бўлиш зарур. Ортопедик тиш конструкцияларига инсоннинг мослашувининг асосий омиллари шахсий, психофизиологик ва вегетатив хусусиятлар ва оғиз бўшлиғининг рецепторлари зоналаридан ўзгарган афферентация шароитида стрессли таъсирга реакциянинг хусусиятлари эканлиги кўрсатилган.

Хавотирли-депрессив ҳолатлар, қатъиятлилиқ, ҳиссий таъсирчанлик, индивидуаллик ва демонстративликка мойиллик каби шахсий хусусиятлар, ортопедик стоматологик конструкцияларга мослашувчан беморларга хос бўлиши мумкин. Шу боис, бундай беморларда протезларга мослашув жараёнини енгилаштириш ҳамда ортопедик даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида психопрофилактика усулларидан фойдаланиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, тиш протезлари беморнинг озиқ-овқат танлаши, унинг тури, сифати ва тайёрлаш усулига бевосита таъсир кўрсатади. Тишлари тўлиқ йўқотилган шахс нафақат ўзининг

севимли таомларидан воз кечишга мажбур бўлади, балки вақтинча ёки доимий равишда мавжуд овқатлардан онгсиз равишда танлов қилиши туфайли оқсил ва витамин етишмовчилигига, чайнаш функциясининг сусайишига, сўлак безлари фаолиятининг бузилишига ҳамда оғиз бўшлиғини табиий тозалаш механизмларининг издан чиқишига олиб келади. Вақт ўтиши билан бундай бемор ўзини ноқулай ҳис қилишга ўрганиб қолади. Буларнинг барчаси ҳаёт сифати, жумладан, овқатланиш билан боғлиқ бўлган муҳим кўрсаткичларнинг пасайишига сабаб бўлади.

Тишларнинг ҳаёт сифатига таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим жиҳати — улар инсон қиёфасини шакллантиришдаги ўрнидир. "Кўзни камаштирувчи табассум", "Голливуд табассуми", "садафдек оппоқ тишлар" каби иборалар жамиятда гўзаллик, соғлиқ, бойлик ва омад тимсолига айланган. Ҳаёт сифати мезони тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир. Ҳаёт сифати, ЖССТ таърифига кўра, инсоннинг субъектив идрокига асосланган жисмоний, психологик, ҳиссий ва ижтимоий фаолиятининг ўзига хос хусусиятидир. Беморнинг аҳволига қараб даволаш жараёнида ҳаёт сифати кўрсаткичлари ва касаллик расмининг хусусиятлари ўзгаради.

Ортопедик даволаш жараёнида беморнинг аҳволига қараб унинг ҳаёт сифати билан боғлиқ кўрсаткичлари ҳамда касалликнинг клиник манзарасида маълум ўзгаришлар кузатилади. Бу эса даволашнинг динамикасини кузатиш ва зарурат туғилганда унинг йўналишини тўғрилаш имконини беради. Шу билан бирга, беморнинг ўз соғлиғига муносабати ва уни баҳолашда иштирок этиши унинг умумий саломатлиги тўғрисида муҳим ва ишончли маълумот манбаи ҳисобланади.

Шунингдек, мавжуд адабиёт таҳлили шундан далolat берадики, тиш қаторлари нуқсонларига эга беморлардаги психоэмоционал ҳолатлар етарлича ўрганилмаган, уларнинг шахсий ва эмоционал муносабатлари, тиш нуқсонларининг локализацияси билан боғлиқ жиҳатлар ҳисобга олинмаган. Ортопедик даволаш самарадорлигини баҳолашда ҳаёт сифати параметрларидан етарлича фойдаланилмаган. Бу эса ушбу тадқиқотни амалга ошириш зарурлигини асослайди.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқотимиз мақсади — тиш қаторлари нуқсонларига эга беморларни ортопедик усулда самарали даволашни таъминлаш, шу билан бирга, унинг самарадорлигини баҳолаш учун комплекс мезонлар ишлаб чиқишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги мақсадлар қўйилди:

1. Тиш қатори нуқсони бўлган беморларнинг стоматологик ҳолатини баҳолаш ва беморларнинг клиник тавсифини бериш.

2. Ортопедик реабилитация даврида тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларда неврологик бузилишларнинг психоэмоционал ҳолатини ва хусусиятларини ўрганиш.

3. Терапевтик ва профилактик чора-тадбирлар комплекси давомида тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларнинг турли даражадаги таклифи билан мианинг (ЭЭГ) биоэлектрик фаоллигини ўрганиш.

4. Тиш қаторлари нуқсони бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ва уларнинг ортопедик реабилитация жараёнидаги кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш.

5. Ортопедик реабилитация жараёнида тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларда стоматологик, неврологик, психо-эмоционал бузилишлар ва уларнинг коррекциясини диагностика қилиш ва комплекс баҳолаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларни комплекс таҳлил қилиш жараёнида стоматологик ва неврологик ҳолат билан бир қаторда, электроэнцефалографик (ЭЭГ) кўрсаткичлар ҳам ўрганилди. Эмоционал ва шахсий бузилишлар даражасининг тиш нуқсонининг жойлашуви — яъни, табассум вақтида кўринадиган ёки кўринмайдиган соҳаларда жойлашгани — билан бевосита боғлиқлиги аниқланди. Бундан ташқари, ушбу психоэмоционал бузилишларнинг хусусиятлари ҳамда реабилитация даволашнинг турли босқичларида уларнинг динамикасини акс эттирувчи параметрлар қайд этилди (1-жадвал).

Бундан ташқари, илк маротаба тиш қаторлари нуқсонига эга беморларда реабилитация даврида юзага келадиган психоэмоционал бузилишлар ва ҳаёт сифатини комплекс баҳолаш учун алгоритм ишлаб чиқилди.

1-жадвал

Тиш қаторларида кўринадиган ва кўринмайдиган тиш нуқсони кузатиладиган беморларни ёш жиҳатдан протезлаш имкониятлари

Конструкция турлари	Кузатиладиган асосий гуруҳлар								
	Б гуруҳ, n = 59			В гуруҳ, n = 37			Г гуруҳ, n = 17		
	25-35	36-45	46-55	25-35	36-45	46-55	25-35	36-45	46-55
Металлокерамик қопламалар ва кўприксимон протезлар n=218	28	35	48	19	31	41	4	5	7
Металлсиз керамикадан олинадиган протезлар билан протезлаш n=85	13	18	28	5	4	7	2	4	4
Дентал имплантатларда олинмайдиган таянч протезлар n=42	-	-	-	-	-	-	8	13	21

Ортопедик даволаш жараёнида беморларнинг шахсий, эмоционал ва вегетатив соҳалардаги индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда асоратларнинг олдини олишга қаратилган кўшимча профилактик чора-тадбирлар тавсия қилинди.

Ортопедик даволаш жараёнида тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларда кузатиладиган психоэмоционал бузилишлар ва ҳаёт сифатини комплекс баҳолашга қаратилган ишлаб чиқилган алгоритм, даволаш самарадорлигини оптималлаштириш, психоэмоционал ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, беморнинг реабилитация жараёнида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқотга киритилган беморларнинг ёши ва гуруҳлари бўйича таснифи

Кўрсаткич			Беморлар		Назорат гуруҳи			
			Кузатилганлар сони	Намуна ҳажми % да	Кузатилганлар сони	Намуна ҳажми % да		
Намуна ҳажми			113	100	35	100		
Жинс	Э		49	43,4	15	42,9		
	А		64	56,6	20	57,1		
Ёш								
25-35	21	Э	9	7,9	15	7	42,8	20
		А	12	10,6		8		22,8
36-45	38	Э	17	15,1	13	5	37,1	14,3
		А	21	18,6		8		22,8
46-55	54	Э	23	20,4	7	3	20,1	8,6
		А	31	27,4		4		11,4

Стоматологик беморларнинг протезларга мослашиши ва ҳаёт сифатининг самарадорлигини ошириш, уларнинг сифатли ишлаб чиқарилишидан ташқари, даволанишдан олдин неврологик, эмоционал-шахсий касалликларни аниқлаш ва даволаш пайтида уларни тузатиш, беморларнинг таклиф қилиш даражаси ва тиш нуқсони топографиясини ҳисобга олган ҳолда таъминланади.

Текширилган беморларда "сўровнома" ва "тадқиқот схемаси" бўйича вегетатив дисфункция оғирлик даражаси ($m \pm b$)

Гуруҳлар	"Сўровнома" бўйича ўртача балл	Схема бўйича ўртача балл
А гуруҳ (назорат) $n=35$	$26,7 \pm 5,6$	$31,2 \pm 6,3$
Б гуруҳ тиш қатори кўринадиган қисмидаги нуқсон $n=59$	$41,6 \pm 11,4$ $P < 0,05$	$38,6 \pm 9,9$ $P < 0,05$
В гуруҳ тиш қатори кўринмайдиган қисмидаги нуқсон $n=37$	$30,2 \pm 6,1$	$34,4 \pm 5,9$
Г гуруҳ Тугалланган нуқсонлар $n=17$	$39,7 \pm 14,3$	$40,8 \pm 12,1$ $P < 0,05$

Стоматологик ва неврологик ҳолатни комплекс баҳолаш, жумладан беморнинг эмоционал-шахсий хусусиятларини аниқлаш ҳамда турли тиш нуқсонлари топографиясига эга беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг реабилитацияга бўлган тайёргарлигини ҳисобга олиш, ортопедик даволаниш натижаларини яхшилаш мақсадида терапевтик ва профилактик чораларни индивидуаллаштиришга имкон беради (3-жадвал).

Хулоса

Ортопедик даволашда тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларнинг психоэмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатига оид комплекс баҳолаш учун ишлаб чиқилган алгоритм даволаш натижаларини оптималлаштиришга, психоэмоционал бузилишларни ўз вақтида ва тўлиқ бартараф этишга, шунингдек, беморнинг даволаниш жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашга ёрдам беради. Беморнинг даволанишдан олдинги руҳий тайёргарлигини аниқлаш ва зарур психопрофилактик тадбирларни амалга ошириш протезларга мослашишни тезлаштиради, беморларнинг даволаш самарадорлигини ўзлари қаноатлантиришини оширади ҳамда асосиз шикоятлар сонини камайтиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азимова Ш.Ш. Стоматологияда ортопедик даволаш жараёнида руҳий эмоционал ҳолат ва ҳаёт сифатининг ўзгаришларини комплекс баҳолашнинг замонавий ёндашувлари // Жанубий оролбўйи тиббиёт журнали. 2025;1(4).
2. Азимова Ш.Ш. Беморларни ортопедик реабилитация жараёнида психоэмоционал бузилишларини ва ҳаёт сифатини ҳар томонлама баҳолаш // Доктор ахборотномаси. 2024;1:(113).
3. Azimova Sh.Sh., Saidov A.A. Stomatologiyada bemorlarni ortopedik davolash jarayonida psixoeemotsional holati va hayot sifatini buzilishlarini baholash // Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси. 2024;2(8).
4. Azimova Shakhnoza Shukhratovna. Adaptation timing to dentures in relation to defect topography, age, and psycho-emotional state of patients // EduVision: Journal of Innovations in Pedagogy and Educational Advancements. 2025;1(4).
5. Azimova Shakhnoza Shukhratovna. Effectiveness of treatment of malocclusion in children // 2024;37(8).
6. Azimova Shakhnoza Shukhratovna. Identification of psychoemotional disturbances in patients with dental anomalies during orthopedic rehabilitation // Научный Фокус. 2025;24(100):1.

7. Azimova Shakhnoza Shukhratovna. The timing of adaptation to dentures in patients with different topography of the defect, age, and state of the psycho-emotional sphere // *Journal of New Century Innovations*. 2024;52(2).
8. Azimova Shakhnoza Shukhratovna. To analyze the psycho-emotional disturbance of patients with dentition defects in the process of orthopedic treatment // *World Scientific Research Journal*. 2024;27(1).
9. Azimova Shakhnoza Shukhratovna. Results of assessment of mental-emotional disorders and quality of life of patients during dental rehabilitation // *Zamonaviy tibbiyot tadqiqotlari ilmiy jurnali*. 2024; – № 1.
10. Aliev Navruz Khasanovich. Correction of Internal Disorders of the Temporomandibular Joint Using Muscle Relaxation Splints Made with Cad/Cam Technologies // 2022;28(1):160-166.
11. Бек А.Т. Депрессия: клинические, экспериментальные и теоретические аспекты. – М.: Медицина, 2003.
12. Carr A.B., Brown D.T. McCracken's Removable Partial Prosthodontics. – Elsevier, 2016.
13. Иорданишвили А.К. Ортопедическая стоматология. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2020.
14. Локер Д. Психосоциальные последствия стоматологических заболеваний. /М: Медицина, 2010.
15. McGrath C., Bedi R. Dental anxiety and oral health-related quality of life // *Community Dentistry and Oral Epidemiology*. – 2004.
16. Сагатова Г.А., Исмоилов Б.Б. Психэмоциональные аспекты ортопедического стоматологического лечения. – Ташкент, 2018.
17. Shukhratovna A.S. Comprehensive assessment of psycho-emotional disorders and quality of life of patients with dentition defects in the process of orthopedic rehabilitation // *Research Journal of Trauma and Disability Studies*. 2023;2(10):21-26.
18. Shukhratovna A.S., Ahadovich S.A. Ortopedik reabilitatsiya jarayonida tish qatorlari nuqsonlari bo'lgan bemorlarning psixo-emotsional buzilishlari va hayot sifatini kompleks baholash // *Journal of Science in Medicine and Life*. 2023;1(2):54-57.
19. Shukhratovna Azimova Shakhnoza, Saidov Akbar Ahadovich. Determination of psychoemotional disorders in patients with dental defects during orthopedic treatment // *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*. 2024. – № 21.
20. Спилбергер Ч.Д. Руководство по шкале тревожности. – СПб.: Питер, 2006.

Кабул қилинган сана 20.11.2025